



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 5 август, № 163 (7665)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни коронавирус тарқалишини жиловлash борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, пандемия даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жумладан, охири пайтда дунёда COVID-19 инфекциясининг тарқалиши кескин тезлашиб, жами касаллар сони 19 миллионга яқинлашгани, қурбонлар ҳам кўпайгани афсус билан таъкидланди. Вазият гоят жиддийлигини 31 июлда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия билан боғлиқ халқаро фавқулодда ҳолатни яна 3 ойга узайтиргани ҳам кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда охириги бир ҳафтада 5 мингдан ортиқ янги касал аниқланиб, жами вирус юқтирганлар сони 27 мингга яқинлашди. Энг ёмони, коронавирусга қўшимча тарзда, асорати оғирроқ бўлган пневмония ҳолатлари ҳам кўпаймоқда.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, юртимизда қўшимча чоралар кўрилди. Жумладан, охириги 20 кунда коронавирусни даволаш ўринлари 3,5 баробарга кўпайтирилди ва қарийб 65 мингтага етказилди.

Жойларга қўшимча равишда қарийб 800 та тез тиббий ёрдам машинаси етказиб берилди.

Қўшимча 4 мингта нафас бериш ускуналари (УСВ, портатив сунлий нафас бериш аппарати, кислород концентратори) олиб келиниб, уларнинг сони 6,5 мингтага етди.

— Аҳоли ўртасида вирус тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни янада кучайтирган ҳолда давр элтиришимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари коронавирус ва пневмонияни даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб шифохонага етказилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди.

Жойлардаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими ишини янада жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, пойтахтимизда "оилавий поликлиника — мобил бригадалар — махсус поликлиникалар — "103" тез ёрдам хизмати" тизимининг узвий ишлашини таъминлаш ҳисобига бир ҳафтада соғайганлар улушини 45 фоиздан 58 фоизга оширишга эришилди.

Шу муносабат билан, Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаева ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари билан бирга бир ҳафта мuddатда "Тошкент шаҳри тажрибаси" негизда ҳудудларда симптомсиз беморларни ўз йида мобил тиббий гуруҳлар ёрдамида уларнинг кўмак ва тавсиялари асосида даволаш тизимининг жорий этилишини яқинлаш вазифаси юклатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, ҳудудларда COVID-19га чалинганларни қабул қилиш ва саралаш бўйича марказларни ташкил этган ҳолда, кичик шифохоналарни ўз профилига мувофиқ бошқа турда ва сурункали касалларни даволашга қайтариш лозимлигини айтиди.

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳудудларга Тошкентдан бириктирилган ихтисослаштирилган марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ишини янада самарали ташкил этишларига ҳар томонлама қўмақлашлари керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳар бир оғир беморни даволаш тактикаси бўйича юртимиз ва хориждаги малакали мутахассислар билан видеоалоқа орқали маслаҳат бериш тизимини мунтазам равишда унумли ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, бугун қатор мамлакатлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимларида коронавирус давосини топиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилаётган. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Россия фармацевтика компаниялари яқин вақт ичида вакцина ишлаб чиқаришни бошлаш ҳақида хабар қилинган.

Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаева бир ҳафта мuddатда етакчи олимлар ва тажрибали шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда вакцинани харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолиси вакцинациясини амалга ошириш йўллари пухта ўрганиб чиқиш топшириғи берилди.

Касалликнинг олдини олиш, коронавирусга шубҳа бўлган

фуқароларни шифохоналарга етказиш, карантин талабларини тушунтириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга оширишда жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш кераклиги ўқтирилди.

Чунки халқимиз турли хил масалаларда биринчи навбатда маҳаллага муурожаат қилишга ўрганган.

— Республика бўйича 9 минг 150 та маҳаллада қарийб 40 минг одам бюджетдан ойлик олиб ишлайди, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Уларнинг ойликларини ҳам жорий йилда қарийб 1,5 баробарга ошириб бердик. Шундай оғир шароитда нима учун улар четда туришлари керак? Ўз аҳолисининг аҳолидан яхши хабардор бўлган, қайси хонадонда қандай бемор борлигини, кимнинг яшаш шароити қандайлигини, ким ёрдамга, ким врачга муҳтожлигини улардан яхши биладиган бошқа одамнинг ўзи йўқ пастки тизимда.

Бунинг учун ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар, маҳалла фаоллари ва нурунийлар, маҳаллаларга бириктирилган тиббиёт муассасалари ходимларини бирлаштириб, ўз ҳудудидаги аҳоли, айниқса, кексалар ҳолидан қунига хабар олиш, коронавирусга шубҳа бўлган ва касалликка чалинганларни тез тиббий ёрдам хизмати ва шифокорлар билан боғлашни ташкил этишга бошқоқ бўлишлари шартлиги таъинланди.

Шунингдек, улар ёрдамга муҳтож оилаларга озиқ-овқат, уйда даволанишга тавсия қилинган беморларга дори-дармон етказиб бериш ишларида фаол иштирок этишлари лозим.

— Бунга қўшимча равишда, улар маҳалла ҳудудида аҳолининг зарурат бўлмаса кўчага чиқмаслиги ва тўпланмаслиги, тиббий маска тақиб юриши ва ижтимоий масофани сақлаши, тўй ва тадбирларни вақтинча ўтказмаслиги

каби мажбурий талабларни доимий тушунтириши ва жамоатчилик назоратини амалга оширишлари шарт ва зарур, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Коронавирус тарқалиши сабаб иқтисодий фаоллик чеклангани одамларнинг рўзгорига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай шароитда вақтинча ишсиз қолган, даромад манбасини йўқотган ва оғир аҳволда кун кечириётган аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Президентимизнинг 30 июль куни қабул қилинган "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони шу борада жуда муҳим қадам бўлди. Ҳужжатга мувофиқ, бюджетдан қўшимча 2 триллион сўм ажратилиб, ушбу маблағлар 1 миллион 700 минг нафар ёрдамга муҳтож аҳоли, 3 миллион 700 минг нафар пенсионер ва жорий йил якунига қадар қўшимча 500 минг нафар ижтимоий нафақа олувчиларга йўналтирилиши белгиланган.

Хусусан, ўтган 5 кунда эҳтиёжманд оилаларга жами 148 миллиард сўм моддий ёрдам тарқатилди. Август ойида 1 миллион 700 минг аҳоли ва 50 мингдан зиёд тиббиёт ходимларига 780 миллиард сўм тўланиши кўзда тутилган.

Керакли пайтда керакли мадад олиб, халқимиз бу ишлардан рози бўлмоқда. Шу билан бирга, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларини тўғри ва ҳаққоний шаклантириш, ажратилган маблағларни адолатли тарқатиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда аҳолига ижтимоий ёрдам тўловларини етказиб бериш бўйича сектор раҳбарлари ва маҳалла мутасаддиларининг масъулиятига эътибор қаратилди.

Давлат нозирлик органларига маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва тўланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш топширилди.

Шавкат Мирзиёев эҳтиёжманд аҳоли билан ишлашда янги, шаффоф ва адолатли ти-

зим йўлга қўйилишини маълум қилди. Президентнинг 4 август куни имзоланган "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри жорий этилиши белгиланди.

Мазкур тизим Сирдарё вилоятида тажрибадан ўтиб, ўз самарасини кўрсатгани ва жорий йил якунига қадар уни барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилиши таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз томонидан ижтимоий ёрдамлар кўламини кенгайтириб борилиши жараёнида ушбу янги тизимнинг муҳимлигига эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий нафақа олувчилар сони ҳозирги 600 мингдан жорий йил охиригача 1 миллион 200 минг, 2021 йилда эса 1 миллион 500 минггача етказилиши белгиланган. Бу борада Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали барча ижтимоий ёрдам бир хил мезон ва бир хил ҳужжат асосида берилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, келгуси йил 1 январдан бошлаб, кам таъминланган оила мақомини олиш учун фуқаролардан ҳозиргидек 12 та идорадан 30 дан зиёд маълумотлар талаб қилинмайди. Эҳтиёжманд оилаларга 30 турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматлар осон ва қулай тарзда тақдим этилади.

Йиғилишда ёрдам пулларига муҳтож оилалар рўйхати маҳаллалар кесимида адолатли тузилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқланиши лозимлиги таъкидланди.

Маблағларни адолатли тақсимлашда маҳалла ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ёрдамни мақсадли етказиб беришга нурунийлар ва фаолларни жалб этиш муҳимлиги айтилди.

Шу билан бирга, 50 минг нафар тез тиббий ёрдам ходими учун ажратилган 200 миллиард сўм мукофот пулларини ҳам ортиқча қорғозбозликсиз, ўз вақтида тарқатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида вазирлар, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳисобот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИГА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БҮЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллигини янада ошириш бўйича ишчи чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Хусусан, жаҳонда бўлиб ўтаётган коронавирус пандемияси аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа мuddатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали инструментлари бўлишини таъминлаш кўриб чиқиш ва белгилаш тартиб-таомиллари "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт қўмағи асосида амалга оширилмоқда;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини республика бўйлаб жорий этиш учун компьютер ускуналари ва периферия қурilmаларини сотиб олиш Жаҳон банки имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилди;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими эгаси ва фойдаланувчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Эҳтиёжманд бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади.

2. Белгилансинки: "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини таъминлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни таъминлаш тартиб-таомиллари 1-иловага мувофиқ босқичма-босқич "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими воситасида амалга оширилди;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими "Электрон ҳуқумат" тизимининг таркибий қисмидир;

жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — шахсий идентификация рақами) "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида жисмоний шахсининг идентификация рақами билан;

давлат ижтимоий хизматлари ёки ёрдамнинг тақдим этиш доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон ҳамкорлиги "Электрон ҳуқумат" тизими идоралараро интеграцион платформаси орқали амалга оширилди.

3. "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини жорий этишнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

идоралараро электрон ҳамкорлиқни қўллаш воситасида ўзаро ҳужжат алмашиш жараёнини автоматлаштириш орқали давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамнинг тақдим этиш учун зарур бўлган маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш;

белгиланган мезонларга мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини объектив баҳолаш, давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамнинг тақдим этиш жараёнини автоматлаштириш орқали қарорларни қабул қилишда субъектив ёндашушни бартараф этиш;

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Фракциялар қонун лойиҳалари юзасидан ўз позициясини билдирди

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг видеоконференцалоқа тарзидаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди.

Депутатлар айрим ҳужжатлар юзасидан ўз таклифларини илгари сурган ҳолда, қатъий эътирозларини ҳам билдирдилар. Албатта, бахс-мунозара, тортишувлар пишиқ-пукта қонунлар қабул қилинишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимча-

лар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрафлича кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, лойиҳа билан жамият бошқарув органлари, хусусан, қузув кенгаши аъзоси, директор ёки бошқарув аъзоси, шунингдек, ишончли бошқарувчиси ўз ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги сабабли жамиятга етказилган зарар тушунчаси аниқлаштирилиб, уларнинг жавобгарлиги белгиланмоқда.

3

Халқимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этмоқда

Бу узоқ йиллик орзулари рўёбга чиқиб, уй-жойли бўлаётган юртдошларимиз турмушида яққол намоён бўляпти.



Янги Ўзбекистон одимлари

Халқимизда «Уй борнинг ўйи бўлмайди» деган нақл бор. Бу — рўзгор бутлиги, кўнгли хотиржамлиги ва фарзандлар камоли учун шахсий тураржойнинг ўрни жуда муҳим эканига ишора. Бу бежиз эмас. Чиндан ҳам инсон ўз уйидагина ҳаловат топади, ўзининг бахт қасрини қуради. Яхши ният, ҳавас билан ўз хонадонига тўйлар қилиб, ўйил уйлантиради, қиз узатади. Уй, бу — Ватан ичидagi Ватан. Бошпанаси йўқ инсон — ҳаловатсиз инсон. Қачон инсон тўлақонли бахтни ҳис қилади? Қачонки, унинг ўз уйи бўлса! Шу боис мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсат орқали аҳолининг ана шу эҳтиёжини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили қишлоқ жойларда — 17 минг 100 та, шаҳарларда — 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилдагига нисбатан салкам уч баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ҳамда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 минг оиллага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич мадд тўлаб берилди.



УЙДА ҚОЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА ЁРДАМ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

аҳолининг эҳтиёжманд тоифаси таркиби ўзгариши динамикаси мониторинги ва таҳлилини юритиш, уларни баҳолаш мезонларини республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш; давлат ижтимоий хизматлари ва ижтимоий ёрдам олувчиларнинг доимий янгилаб турадиган ягона маълумот базасини шакллантириш; манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ўзларига юқатилган вазифа ва функцияларни бажаришда хизматлари бепул ёки имтиёзли асосда тақдим этиши учун маълумот билан таъминлаш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамни тақдим этишда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2-иловага назардан тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар фуқаролардан талаб этилишига йўл қўйилмайди;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ёки оилалар қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан 3-иловага мувофиқ хизматлар ва имтиёзларни ҳам олишга ҳақлидир;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотнома Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади ва ўн икки ой давомида амал қилади.

5. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими, манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ҳамкорликни янада яхшилаш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Дастур икроси устидан доимий мониторинг ўрнатсин ва чора-тадбирларни бажариш мuddатларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиб берилин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, унинг ҳудудий бўлинмалари ва туман (шаҳар) бўлиmlарига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлаш учун 5-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан сақланадиган шtat бирликларини ахратиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 5-илосавида кўрсатилган шtat бирликларининг:

200 таси меҳнат органларининг инспекторлар ва мутахассислари шtat бирликлари;

125 таси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими шtat бирликлари;

100 таси Давлат солиқ хизмати органлари шtat бирликлари мажбуллаштирилиши ҳисобидан ахратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратида тасдиқланган шtat бирликлари доирасида фуқароларнинг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақаларни тайинлашга оид муқозаатлари ва шикоятларини қабул қилиш бўйича шубҳаси ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар “ФХДнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда — ФХДЭ органлари) архивларида қоғоз ташувчиларда сақланган ҳужжатларнинг электрон базаларини шакллантирилишини таъминласин.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар ФХДЭ органлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун зарур бўладиган қўшимча ҳодимларни вақтинча ишга жалб этиш ва уларни жойлаштириш чораларини кўрсин, уларга зарур бўлган компьютер ва бошқа ортехника воситалари, офис жиҳозлари, канцелярия товарлари, телефон ва интернет алоқаси билан таъминласин, шунингдек, архив ҳужжатлари билан ишлаш тартибига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ФХДЭ бўлимлари архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш, шунингдек, шартнома асосида ҳодимларни вақтинчалик жалб этиш ҳамда зарур компьютер ва бошқа ортехника воситаларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни ҳисобидан 30 миллиард сўм маблаг ажратилишини таъминласин.

Белгилансинки: Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан мазкур қарор доирасида компьютер ва бошқа ортехника воситалари, исроқ тарихида, энг яхши тақлифларни танлаб олиш орқали харид қилиниши мумкин;

“ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида ФХДЭ органларининг архивларида қоғоз ташувчиларда сақланадиган ҳужжатлар электрон маълумотлар базаларини шакллантириш бўйича тадбирлар тўлиқ яқунлангандан кейин, ушбу қарор доирасида харид

қилинган компьютер ва бошқа ортехника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тақсимоғига мувофиқ тегишли туманлар (шаҳарлар) умумтаълим муассасаларига белгиланган тартибда бегараз ўтказиб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Электрон ҳукумат” тизимининг идораларга интеграциялашган платформаси орқали “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари ўртасида сифатли ва тўлақонли ахборот алмашинувини таъминласин, бунда Молия вазирлигига ҳар томонлама, шу жумладан, зарур техник кўмак берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш” лойиҳаси доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими тўлақонли ва сифатли ишлаши учун зарур бўлган серверлар, компьютер ва бошқа техника воситалари, асбоб-ускуналари сотиб олиши;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда босқичма-босқич “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими функционал имкониятларини кенгайтириш;

“ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида ариза берувчининг оила аъзолари таркибининг аниқлаш функцияси жорий этилганидан сўнг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими томонидан ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун аризаларни электрон тарзда онлайн режимида қабул қилинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар маълумотлар тақдим этиш мақсади билан Ёшлар ишлари вазирлиги билан биргаликда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номига олинган пул ўтказмалари ва очилган депозит ҳисобварақларида қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган ариза берувчилар ва уларнинг муомалага лаёқатли оила аъзолари розилиги билан тақдим этиш имкониятини яратиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавуқулда вазирлиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат хавфсизлик хизмати, Миллий вардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ўзларининг ҳамда таркибидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ҳодимлари, уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар учун назарда тутилган бошқа давлат ижтимоий

хизматларини олиш учун “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аризалар тақдим этилишини чеклаш ва уларнинг кўриб чиқилишига йўл қўймайлик чораларини кўрсин.

12. Махфий.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2021 йил 1 январга қадар “ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига фуқароларга тегишли бўлган шахсий идентификация рақамини бажариш шартлиги билан ариза берувчининг оила аъзолари таркибининг аниқлаш функцияси жорий этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой мuddатда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, ижтимоий нафақаларни тайинлашда устуворлик даражаси нисбатан пастроқ бўлган оилаларга берилиши назарда тутилсин;

икки ой мuddатда Халқаро экспертлари жалб қилган ҳолда аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этилишини ягона тизимини жорий этиш, ижтимоий нафақаларни, хизматларни ва ёрдамни тайинлашда асос қилиб олингандаги муҳтожликни аниқлаш мезонларини тақомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинганга қадар Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби бошқа ҳудудларга ҳам таътиб этилсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 4 август

ХАЛҚИМИЗ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСINI КЕЛАЖАҚДА ЭМАС, БАЛКИ БУГУН ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТМОҚДА



Президентимиз жорий йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида уй-жой қурилишда хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмаслиги, шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилаётганини айтиб ўтганда. Унга қўриқ, вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингта янги ҳамда қишлоқларда 4 мингта уй-жой хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағни аукционлар орқали ажратди. Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилди.

оилавий бахт-саодатга элтувчи асосий омилдир. Бинобарин, бугун мамлакатимизда фуқароларнинг уй-жой шариоити тубдан яхшиланаётгани, шаҳар ҳамда қишлоқларимизда янги турароқлар куриш суръати ва кўлами жадаллик билан кенгайиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Мазкур йўналишдаги ўзгаришлар инсонларнинг ҳаётдан розилиги ҳамда эртанги кунига ишончини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатаяпти.

Бундан бир йил олдин, 2019 йил 24 май куни Президентимиз Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илм-фан намоёнлари билан учрашган эди. Олим ҳамда педагогларнинг ижтимоий шариотларини яхшилаш мақсадида алоҳида эътибор қаратиб, улар учун кўп қаватли уйлар қуриш бўйича кўрсатмалар берганди. Шунга мувофиқ, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчаси ҳудудида 6 та 9 қаватли 216 хонадонга мўлжалланган турароқлар бунёд этилди.

Бундай замонавий уйларни харид қилиш ўқувчилар учун бир вақтлар ушталмас омуз бўлган. Ун-ўн беш йил умирини илм-фанга бағишлаган доцент бундан икки йил олдин 1 миллион 800 минг сўм ойлик маош олган. Ҳеч қачон сир эмас, жуда кўп ўқувчилар ижарада яшашарди. Топган ойлиги ижара билан рўзгорига зўрага етарди. Сўнгги икки йил ичида ўқувчи-олимларнинг ойлик маоши уч ярим бараварга ошди. Бугун 6-7 миллион сўм олаётган доцент ипотека кредити эвазига бемалол ана шундай уй харид қилиши мумкин. Бундай уйларга Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент давлат техника университетининг фидойи, умрини фанга бағишлаган профессор-ўқувчилари кўчи киришди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг

болага дейсиз, яшаётганлардан сўрасангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз. Уйлайманки, бундай уйда яшаб, шундай жойда илм қилиш ҳар бир ёш олимнинг, университетда фаолиятини бошлаган ҳар бир докторантнинг орзуси бўлса керак. Ўзбекистон Миллий университетида сўнгги икки йил ичида чет элда тахсил олган, ишлаган профессорларимиз, ёш олимларимиз келди. Уларнинг кўпчилиги мана шу уйдagi хонадон эгалари бўлишди. Биз кўпинча чет элда ижарада турганимиз. Ижарада яшаш моддий жиҳатдан ноқулайлик туғдиради. Бу уй эса ўзимизнинг мулкимиз. Бу бизга катта куч бағишлайди. Бу балеандлариз гаплар эмас. Юртбошимизнинг биз, педагог ва олимларга бераётган ана шундай эътиборини илм йўлидаги ютуқларин билан оқлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ ёшлар

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўз икtidори, салоҳияти билан мамлакат ривожига муносиб хисса қўшаётган ёшларга, жаҳон спорт ареналарида юксак натижалари билан Ватанимиз байроғини юқори кўтарётган спортчиларга Президентимиз совға қилиш яхши анъанага айланди.

Ана шундай бахтга лойиқ қўрилган ёшлардан бири — сузмиш бўйича кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, III Парасоисё ўйинлари голиби, “Rio —

батлашиш бахтига муйясар бўлдим. Бу учрашувдан бир неча кун ўтиб, менга вилоят марказидан икки хонали уй совға қилинганда кўвончим ичimgа симғади. Шу ёйда ўз уйimgа эга бўлганимга ишонолмасдим. Биз, спортчиларнинг камтарона меҳнатини ана шундай юксак қадрлаётган давлатимиз раҳбаридан жуда миннатдоримиз. Ишонтириб айтманки, бу бизга қанот бўлади. Халқаро спорт мусобақаларида юртимиз байроғини юксакларга кўтариш, паралимпия ўйинларида галаба қозонишни ўз олдimgа мақсад қилиб қўйганман.

Не бахтки, Ватанимиз ҳаётида бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар қўлimgа қарамай, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга юксаклаштириш, имтиёз ҳамда имкониятлар яратиш бериш, уй-жой билан таъминлаш борасидаги хайрли ишлар изчил давом этмоқда.

Асли булунғурлик Нодирбек Мусурмонов ҳам оиласи билан анчадан буён уйга муҳтож бўлиб, ижарада яшаб келган. Эндиликда у янги,



Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Янги умид маҳалласида истиқомат қилаётган Дилбар Жуманиёзова ҳам 2018 йилда мазкур қарор икроси доирасида шинамгига уй-жойига эга бўлган аёллардан бири.

— Бахтни ҳар ким турлича тўшунади. Мен учун энг бахтли инсон ўз уйи бор қилишидир, — дейди Д. Жуманиёзова. — Анча йиллардан буён шинамгига уйимиз бўлишини орзу қилардим. Шўқрқи, ҳукуматимиз ёрдами билан озурамирим амалга ошди. Айни вақтда ушбу хонадонда турмуш ўртоғим билан уч нафар фарзандни вояга етказмоқдамиз. Ҳозирда болалар парварishi билан бирга, хонадон шариоитида тивувчилик билан ҳам шўғуллиб, рўзгоримизнинг кам-қўстини бўлганман. Давлатимиз томонидан бизга қўрсатилганга гамирқилиши ўз меҳнатларим билан оқлашга, фарзандларимни Ватан қорига қамарбаства, юрт ривожига хисса қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялашга ваъда бераман.

Даржақат, ҳар бир инсон ўз уйига эга бўлса, қўнғлида хотиржамлик, ишида унуд ва барака бўлади. Бугун ана шундай бахтга мушарраф бўлаётган юртдошларимиз сафи кундан-кун кенгайиб бормоқда...

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳолига муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлишини таъминлашга қаратилган. Бугун ўз уйига эга бўлаётган фуқароларимиз шўқронлик тўғриси билан яшамоқда. Бу мамунлик учун қилажакка ишонч билан юрт тараққиётига хисса қўшишга ундамоқда.

Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам

Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, яшаш учун яхши шариотларни яратиш ва уларнинг ҳамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шариоитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори асосида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ҳар йили республика бўйича 1 минг 576 нафар оғир турмуш шариоитида яшаётган, ногиронлиги бўлган, уй-жойга муҳтож хотин-қизларга берилган уйларнинг “Qishloq Quirlish Invest” ҳамда “Q’zshahar quirlish invest” ижтимоий компаниялари томонидан тасдиқланган ҳар асосида 10 фоизлик бошланғич бадал тўловлари тўлаб берилмақда.

Махсус комиссия ҳулосалари асосида шу кунга қадар республика бўйича оғир турмуш шариоитида яшаётган, ногиронлиги бўлган, уй-жойга муҳтож жами 2 минг 949 нафар хотин-қизга 80 миллиард 278 миллион сўм миқдорда уй-жойларнинг бошланғич бадал тўловларини қайтармаслик шарти билан тўлаб берилди.

Бу рўйхатни узоқ давом этириши мумкин. Бинобарин, бундай гамирқилиқдан баҳраманд бўлган оилаларнинг шодлигига шерик бўлиш, дил сўзлари, қалб кечинмаслик қулқ тутишининг ўзи қифоя.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Янги умид маҳалласида истиқомат қилаётган Дилбар Жуманиёзова ҳам 2018 йилда мазкур қарор икроси доирасида шинамгига уй-жойига эга бўлган аёллардан бири. — Бахтни ҳар ким турлича тўшунади. Мен учун энг бахтли инсон ўз уйи бор қилишидир, — дейди Д. Жуманиёзова. — Анча йиллардан буён шинамгига уйимиз бўлишини орзу қилардим. Шўқрқи, ҳукуматимиз ёрдами билан озурамирим амалга ошди. Айни вақтда ушбу хонадонда турмуш ўртоғим билан уч нафар фарзандни вояга етказмоқдамиз. Ҳозирда болалар парварishi билан бирга, хонадон шариоитида тивувчилик билан ҳам шўғуллиб, рўзгоримизнинг кам-қўстини бўлганман. Давлатимиз томонидан бизга қўрсатилганга гамирқилиши ўз меҳнатларим билан оқлашга, фарзандларимни Ватан қорига қамарбаства, юрт ривожига хисса қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялашга ваъда бераман.

Даржақат, ҳар бир инсон ўз уйига эга бўлса, қўнғлида хотиржамлик, ишида унуд ва барака бўлади. Бугун ана шундай бахтга мушарраф бўлаётган юртдошларимиз сафи кундан-кун кенгайиб бормоқда...

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳолига муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлишини таъминлашга қаратилган. Бугун ўз уйига эга бўлаётган фуқароларимиз шўқронлик тўғриси билан яшамоқда. Бу мамунлик учун қилажакка ишонч билан юрт тараққиётига хисса қўшишга ундамоқда.

Шахзод ҒАФФОРОВ, Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Мулоҳаза

Ҳозирги мураккаб давр — пандемия шариоитида “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатландаи” тамойили асосида ишларни янада самарали ташкил этиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу “давлат — фуқаро” муносабатларида қўлайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш, халқ оғирини енгили қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ЭЪТИРОЗЛАРГА НИМА САБАБ БЎЛМОҚДА?

Шу боис тизимини рақамлаштириш жуда муҳим. Бу орқали навбатда турмушларни қамрайтириш, ортиқча югур-югур, бе-сансалорликларга барҳам бериш, вақтни тежаш, меҳнат унмудорлигини ошириш ва энг асосийси, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, пировардида фуқароларнинг давлатдан рози бўлиши таъминланади.

Маълумки, яқинда Ҳукумат Олий Мажлис палаталарига “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши бўйича 6 ойлик ҳисобот тақдим этди. Унда иқтисодийни рақамлаштириш йўлида интернет тезлигини ошириш, мобил алоқа сифатини яхшилаш, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сақлаш учун марказлар фаолиятини ривожлантиришга оид амалга оширилган ишлар кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 128 турдаги хизматларнинг онлайн шаклида қўрсатилиши, Халқ таълими вазирлиги томонидан онлайн дарс-роҳатларини йўлга қўйилгани, банк ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамлаштириш бўйича ижобий тенденцияни кузатиш мумкин.

Лекин айрим соҳаларда хануз эски услубда фаолият кўрсатилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, халқга давлат идоралари ҳамда давлат тасаруфидagi қамнал хизматларни кўрсатадиган қорхоналар ўртасида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилмаган. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти.

Дейлик, оилада фарзанд туғилиши ёки вафот этиш ҳолатлари тегишли давлат органлари томонидан расмийлаштирилганда ва керакли гувоҳномалар берилади. Лекин истеъмолчи 5 иш кунинда кеңижмай коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларни оила аъзоларининг қўлайлиши ёки қаммайиши тўғрисида оғохлантириш олмастлиги мумкин. Еки фуқаро турароқини ижарага берганда давлат солиқ органларида ижара шартномасини ёки паспорт столида ижараҳисса вақтинча рўйхатга олишга қарамасдан, мазкур маълумот хизмат кўрсатувчи қорхоналарга алоҳида-алоҳида етказилиши лозим. Рақамли иқтисодийнинг асосий принципларидан бири давлат органлари бита ҳужжати 1 марта тақдим этиши, давлат органлари эса маълумотларни фуқаронинг овози қилмай бир-бирларидан олиш имкониятини яратиш бериш керак.

Еки яна бир мисол: фуқаролик солиқ суммасини маълум сабабларга қўра, солиқ органининг бошқа ҳисоб рақамига ўтказиб юборганда, пулни қайтариш учун ариза ёзиши, паспорт нухсани тақдим этиши ва пул маблағининг қайтарилиши учун 2 ҳафта кутуши зарур бўлади. Энг қизиғи, тўлов сум-

маси бошқа ҳисобга ўтказилган тақдирда солиқ органи тўловчига бу ҳақда хабар бермайди. Наҳотки, бу жараёни ҳам рақамлаштириш имкони бўлмаса? Ахир солиқ суммаси бошқа давлатга тўлангани йўқ-ку?

Айниқса, коммунал соҳадаги ҳисобга олиш асосидан фойдаланишнинг чекланган мuddати тугагани тўғрисида белгиланган мuddатда хабардор қилмаслик ва бунинг оқибатида барча айбни истеъмолчига қўйиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз манфаатларига мос равишда қайта ҳисоб-китоб қилишлари ташвишланарлидир. Бу пандемия шариоитида аҳолини моддий томондан янада қийин аҳволга солмоқда. Виллоятларда, айниқса, чека ҳудудларида мобил алоқа, интернет сифати ва нархлар бўйича ҳақиқий ҳолат эса ҳаммага аён.



Коронавирус пандемияси шароитида инсон ҳаётининг барча жабҳасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ушбу силсилалар кўп йиллик шаклланган қадриятлар, анъаналар ва тамойилларнинг "дарэ" кетишига ҳам олиб келди. Хусусан, нуфузли олимлар, халқро ташкилотлар экспертлари томонидан яқин ва ўрта истикболда қурраи замин тараққиётига таҳдид соладиган хавф-хатарлар бўйича берилган прогноз кўрсаткичлари ўз тасдиғини топмади. Аксинча, улар қайтадан кўриб чиқиладиган. Аммо шу нарса аён: дунё бир бутунликда ҳаракат қилмас экан, инсон ўта таҳликали вазият қурбонига айлиши ҳеч гап эмас. Ягона наҳот йўли эса тўпланган билим, шаклланган кўника ва орттирилган ҳулосаларни ягона мақсад сари йўналтириш, илм ҳамда тажрибаларни самарали уйғунлаштириш олишдир.

Билим ва илмнинг шаклланиши эса бевосита таълим тизимига бориб тақалади. Таълим тизими самарадорлигини ўқитувчи савияси, талаба эҳтиёжи, ўқув адабиётлари мазмуни ҳамда мустақил таълимни шакллантиришга қаратилган инфратузилма бевосита таъминлаб беради. Демак, илгор кадрларни тайёрлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатдошлигини ошириш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўқув даргоҳларида йўлга қўйилган таълим бериш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг 8 октябрда "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатда "республикадаги қандам 10 та олий таълим муассасасини халқро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатида киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини бошқича-бошқич кредит-модуль тизимига ўтказиш" белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Бугун ва келажак учун маъруза механизми қай даражада фойда келтирилади? У янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларига қанчалик мос?

Кўйида ана шу саволларга батафсил жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Унинг ўзи нима?

Кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бериш сержир-ра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилди: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида кўйидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нинг қўйидаги аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;
- таълим жараёнида мустақил таълим олишининг улуғини ошириш;
- таълим дастурларининг қўлайлиги ва меҳнат бозорига мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгариши мумкинлиги.

Ўқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиш-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурлиги ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Мухтар айтганда, маъруза тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Келинг, шу ўринда модуль ва кредит тушунчалари моҳиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Модуль — бу, бир неча фан ҳамда курслар ўрганиладиган ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўника ҳосил қилиш, таҳлилий-мантқиқий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган бир неча фанлар (курслар) мажмуи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилади, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганиши ҳамда берилган топшириқларни бажаради.

Хорижий тажрибага кўра, кредит-модуль тизимига ўқув жараёни ҳар семестрда 2 — 4 тагача модульдан иборат бўлади. Модульда жамланган фанлар осондан мураккаб сари, назарий-усулвий фанлардан амалий фанларга қараб ҳамда мантиқий жиҳатдан бир-бирини ўзаро увий тўлдирishi принципи асосида шакллантирилади. Талаба мутахассис бўлиб шаклланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалиётга жорий қила олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Модуль асосланган ўқув дастурлари маъруза схема асосида ишлаб чиқилади ва қўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ўқув мақсади ҳамда вазифаларнинг тўлиқ очиб берилиши;
- талабанинг фанни (курсни) бошлаши ва тугатишидан кейинги орттириши лозим бўладиган малакасига қўйиладиган талаблар;
- модуль таркибига кирган ҳар бир фаннинг қисқача мазмуни (силлабус), яъни маърузалар мавзулари, семинар ва амали машғулотларнинг режаси, мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган топшириқлар;
- ўқитишнинг қисқача баёни: таълим бериш усул ҳамда воситалари; билимларни баҳолашнинг усул ва шаклларидан иборат.

Модуль асосида ўқитиш тизимига талабалар билими, малакаси ҳамда кўника-масини баҳолашда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Унда талабанинг барча ўқув фаолияти, яъни аудитория ва аудиториядан ташқарида олган, ўзлаштирилган билимлари балл бериш орқали баҳоланади.

Кредит (credit) — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиш-ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкларининг (вақтининг) ўлчов белгилидир. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчови. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, яқиний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилди.

Кредит (credit) — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиш-ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкларининг (вақтининг) ўлчов белгилидир. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчови. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, яқиний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилди.

Хар бир талаба келажакда танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича дипломига эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Тўпланган кредит талабага бутун умр давомида ўзининг малакасини ошириб бориш ёки қўшимча олий маълумот олишига хизмат қилиб бераверади. Иқтисодий тилда айтганда, тўпланган кредит талабанинг академик "актив"га айланб боради.

Кредит технологияси таълим олувчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради. Уларга, нафақат фанларни, балки профессор-ўқитувчиларни ҳам танлаш эркинлиги берилади. Талабаларга фанларни танлаш имкониятини берилиши ижобий ҳол саналади. Бу ўқув жараёнини баҳолашнинг ўзига хос қўйимат кўрсаткичи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Тарих ва сабаб

Кредит илк маротаба XVIII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либерализация қилиш, талабанинг ҳафталик академик юкларини белгилаб бериш мақсадида яратилган.

1869 йилда Гарвард университети президенти, Америка таълимнинг таниқли ари-биди Чарльз Уильям Элиот "кредит соати" тушунчасини истеъмолга киритди. Шундай қилиб, 1870 — 1880 йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий қилинди. Кредит тизими билан ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш талабаларга ўқув жараёнини мустақил равишда режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини такомиллаштириш учун имконият яратиб берди.

Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, келажакда танлаган соҳасининг рақобатбардор мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараёни мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этди. Айни чоғда, баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллаштириши ҳам олиб келди.

Болонья декларациясида кўзда тутилганидек, кредит-модуль тизими айнан мустақил таълимга ургу қаратгани ҳолда, асосан, иккита функцияни бажаришга хизмат қилади:

- биринчиси, талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллигини, яъни бир олий таълим муассасасидан бошқа ОТМга ўтишларини, эркин равишда ўтишини (ўқишни ёки ишчи кўчиришини) таъминлайди;
- иккинчиси, талабанинг танлаган таълим

йўналиши ёки мутахассислиги бўйича барча ўқув ва илмий фаолияти учун академик юкларга — кредит аниқ ҳисоблаб борилади. Кредит йиғиндиси талабанинг танлаган дастури бўйича нимани қанча ўзлаштирилганини намоён этади.

Болонья декларацияси: ортга назар

Бугунги кунда таълим тизимига дахлдор бўлган кишилар томонидан Болонья тизими, унинг аҳамияти бўйича турли фикр-мулоҳазаларни эшитиб қоламиз.

Хўш, бу қандай тизим? Унинг қандай афзаллиги ва салбий жиҳатлари мавжуд? Мавзунинг мантиқий давоми сифатида фикрларимизни давом этирамиз.

Ушбу тизимни яратиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан Европадаги барча олий таълим муассасаларининг интеграциясини таъминлаш, олий таълимнинг ягона стандарти яратиши, талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини йўлга қўйиш, дипломларни тан олиш, талабалар билими, малакаси ҳамда кўникасига қўйиладиган балларни унификация қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишга қаратилган сазй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Маъруза ҳаракатларининг самараси ўларок, 1999 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида 29 та мамлакат вакиллари томонидан Болонья декларацияси имзоланди. Бугунги кунга келиб, Болонья жараёнида 48 та мамлакат иштирок этади. Уларнинг орасида МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Озарбайжон, Молдова, Арманистон, Грузия, Қозғоғистон ва Беларусь Республикаси ҳам бор.



Хосан ПАЙДОНОВ олган сурат.

Болонья тизими бўйича олий малакали кадрларни тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади. Одатда уч йилдан кам бўлган бакалаврлар тайёрлаш ҳамда 1-2 йиллик магистратура босқичи.

Кўпгина экспертлар Болонья декларациясининг қабул қилинишига саложиятчи, иқтисодий юқори бўлган талабаларни эгаллаш, меҳнат бозорига уларнинг билимининг қадрлаш бўйича АҚШ билан кечган рақобатда Европа олий таълим муассасаларининг имкониятлари чекланганлиги, кўплаб "ақл соҳиблари"нинг кўнча кетиши тарқ этди. Аммо Болоньяга кўиб кетиш тенденцияси қарши қўрилган чора асосий сабаб бўлганини эътироф этади.

Вазият нега Европа мактабига устуворлик бермоқда?

Бугунги кунда маъруза кредит ўлчови тизимини амалиётга таъбиқ этиш бўйича тўртта модель кенг тарқалган.

Булар Америка Кўшма Штатларининг кредит тизими (USCS); Европа мамлакатларининг кредит тизими (ECTS); Осий — Тинч океани мамлакатларининг кредит тизими (UCTS); Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS).

Ушбу моделларнинг ичиди энг кўп тарқалгани АҚШ ва Европа моделларидир. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз Олий ва ўрта маъсус таълим вазирлиги кредит тизимини жорий этишда Европа-

нинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратаяпти. Шу боис унинг афзал жиҳатлари, қўлайликлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Болонья декларациясининг энг муҳим жиҳатларидан бири олий таълим муассасаларининг ягона "кредит тизими"дан фойдаланиш (ECTS)га асосланиш. Кредит ёки кредит бирлиги — ўқув режасида ҳисобга олинган ҳар қандай ўқув фаолиятининг қиймат кўрсаткичи ҳисобланади.

ECTS тизими Европа ва умуман, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари талабаларига катта афзалликлари тақдим этади.

Масалан, талаба таълим олаётган университетидида эгаллаган академик билимларини шу тизимга аъзо мамлакатлар олий таълим муассасаларида тан олишинини, яъни ўзига хос "конвертацияси"ни қафолатлайди. Шу билан бирга, маъруза тизим аъзоларига талабаларни бошқа ОТМга ўқишини тиклаш, кўчириш ва тугатиш имкониятини беради.

ECTS тизими университетларга ҳам бир қатор қўлайликлари тақдим этади. Чунотчи, маълум бир таълим йўналиши ва мутахассисликлар кесимида ўқув жараёни ҳақидаги ахборотларни аниқ акс эттирувчи ўқув режаларининг ўхшашлиги ҳамда ягоналигини таъминлайди. Шунингдек, мутахассислик даражасининг тан олинишига эришиш мақсадида талабани қабул қилувчи ва йўналтувчи олий ўқув юртларидаги дастурларнинг мазмунини олдиндан келиши олиш имконини беради. Талабанинг таълим олиши билан боғлиқ барча масалани ҳал этишдаги жавабгарлиги ҳамда мустақиллиги сақланади. Европа таълим тизимига ўқув курслари ва барча таълим жараёни кредитларда, Ўзбекистон ҳамда МДХнинг бошқа мамлакатларида эса академик соатларда ҳисобланиб келинади.

ECTS тизими бўйича хар бир олий таълим муассасаси кредит таркибинин, хар бир модуль бўйича кредитлар сонини, қолаверса, хар бир курс ва умуман, ўқиш даврини, тамомлаш учун талаба томонидан тўплагани лозим бўлган кредитларнинг умумий миқдорини мустақил белгилайди.

Амалдаги ўқитиш тартибидан фарқли ўларок, кредит тизимига мажбурий фанлардан ташқари танлов фанлари ҳам талабанинг индивидуал дарс жадвалига киритилади. Талабалар ўқишдан ҳайдалмайди ёки курсдан-курсга қолдирилайди. Қайси фан (курс)дан белгиланган кредит-

тезлашгани, халқро илмий-техник маълумотлар базалиридан фойдаланиш имкониятларининг кенгайгани, глобаллашув жараёнлари жадаллашгани боис талабаларнинг мустақил таълимни ривожлантириш масаласи кўн тартибига кўтарилади.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ўқув режалари аса меҳнат бозори талаби билан боғланган фанлар билан тўлдирилар, асосан, профессор-ўқитувчи ни иш билан таъминлаш, унга аудитория соатини чиқариб бериш принципти нуқтаи назаридан, шунингдек, кафедра мудириларининг ўзаро келишган ҳолда фанларни тақсимлаш асосида шакллантирилган эди.

Талабага фанларни ҳамда профессор-ўқитувчиларни танлаш у ёқда турсин, зеркичи бўлган машғулотлардан воз кечиб, кутубхонада ўқиш-ўрганишга ҳам имкон берилмас эди. Талабанинг дарс машғулотларини қолдиришга жиддий талафот сифатида қаралиб, бир семестрда 30 соатдан ошса, талабанинг сафидан чиқаришга бориларди. Талабага ушбу фан ва ўқитувчи ёқдаими-ёқмайдими, берилётган билимлар алмисоқдан қолиб кетгани-кетмагани, аудиторияда ўтириши шарт эди!

Хуллас, аънанавий тизимда талаба келажакда қандай билимларни эгаллаши, қанчанги профессор-ўқитувчилар дарс бериши, йўналиш профилли, фанларнинг қисқача мазмуни бўйича ҳеч қандай материаллар тақдим этилмасди.

Ваҳоланки, ривожланган хорижий давлатларнинг барча ОТМда таълим йўналиши ва мутахассисликлар тўғрисидаги ҳамма маълумотлар, хусусан, ўқув режасида акс этган фанларнинг қисқача силлабуси (фаннинг идентификацияси, профессор-ўқитувчи ҳақида маълумот, дарс тавсифи, фаннинг мақсади, ўрганиш натижалари, ўқитиш методикаси, фаннинг режалари, адабиётлар, баҳолаш методикаси), фанлар кесимида дарс машғулотларини олиб борадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда уларнинг эришган ютуқлари, меҳнат бозорига мутахассисга қўйилган қисқача талабалар, яъни қандай назарий, амалий билим, кўника ва касбий малакага эга бўлиши билан боғлиқ маълумотлар университетларнинг расмий веб-сайтида оник-ойдин эълон қилинган бўлади. Айни пайтда, минг афсуски, абитуриентлар университетларимиз сайтиларидида ушбу маълумотларни топишга қўйиалишади. Бу бўйича ҳам маданиятни шакллантириш вақти эса алаҳқонан келган.

ECTS талаблари: дастлабки қадамлар

Ўқорида таъкидланганидек, аънанавий ўқитиш тизимининг салбий жиҳатларидан воз кечиб ва халқро стандартлар талабалари доирасида ишларни ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг 33 та олий таълим муассасасида кредит-модуль тизимига ўтиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмақда. Барча кунлар ушбу тизимни яратишга сафарбар этиляпти.

"Эл-юрт умиди" жағмармаси томонидан мунтаза равишда хорижий олий таълим муассасаларида илмий таҳқиқот иши ва педагогик фаолият билан шуғулланаётган, айнан кредит-модуль тизимини ақиндан билладиган ватандошлар томонидан семинарлар ташкил этилиб келинаётгани мунга бир мисолдир. Қолаверса, ўзини ўзи мольялаштиришга ўтган 10 та олий таълим даргоҳига "Эл-юрт умиди" жағмармаси ҳузуридида Халқро экспертлар кенгаши аъзоларидан бир нафардан эксперт маслаҳатчи сифатида бириктириб қўйилган.

Маъруза жараёнларни тўлақонли амалга ошириш учун олий таълим муассасасида тегишли бўлимлар ҳам ташкил этиляпти.

Хусусан, Тошкент давлат иқтисодий университетидида Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими фаолият юритмоқда. Ушбу бўлим томонидан 2020/2021 ўқув йилидан университетда ўқитиладиган барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ECTS кредит-модуль тизимига тўлиқ трансформациясини амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Трансформация жараёнлари бошландими?

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, университетда бакалаврият босқичида бир семестрда ўқиш 15 ҳафта ва аттестация учун 6 (бир семестрда 3 ҳафта имтиҳондан учун ажратилган) ҳафта ажратилмоқда. Шунда 4 йилда ўқиш ҳафталари сони 144 тани, аттестациялар 24 ҳафтани ҳамда умумий таътиллар билан ҳисоблаганда жами 204 ҳафтани ташкил этмоқда. Барча таълим йўналиши ва мутахассисликлар ўқув режаларида хар бир босқичда фанлар икки қисмга, яъни асосий ва танлов фанларига ажратилган ҳолда акс эттирилмоқда. ECTS талабидан келиб чиқиб, талабага хар йили 60 кредитдан 4 йил ичиди жами 240 кредитни тўплаш мажбуриятини юклаш режалаштирилмоқда. Шунда талаба 4 йил давомида маъруза, амалий ҳамда лаборатория машғулотлари ва имтиҳон жараёна-

рида иштирок этишига 2880 соат, мустақил таълимга 4320 соат, жами 7200 соат вақт сарфлаши лозим бўлади.

Бизнинг мисолимизда 1 кредит = 12 академик соат + 18 соат мустақил таълимни ташкил этади. Шу боис 1 кредит 30 соатга тенг деб қаралиб, талабанинг ҳафталик аудитория юкларига 20 соатга тенг. Малакавий амалиёт учун ажратилган кредит миқдори тегишли фан ёки фанлар ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган.

Янги тизимга ўтилса, қандай ўзгаришлар содир бўлади?

Маъруза тизимининг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим олувчининг ҳақиқий билиминини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиш-ўрганиш, ўз устида ишлашига замин яратди. Бугунги кунда Европа кредит тизими кўнча кўтирган дегарли барча олий ўқув юртида амалиётга жорий этилган.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энч қатна ургу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббуслорига ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимига университет талабаларини хар дом ўқитувчи ва курсдошларидан ёрддам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустақиллашга олиб келди.

Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабани ҳам оширади. Ўқорида таъкидлаб ўтилганидек, модулли ўқитиш тизими билан ўқитувчи нафақат ахборот беришчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Яна бир гап. Таълимнинг кредит тизими талабалар алмишарини оширади. Чунки битта университетда олинган кредитлар иккинчисида ҳисобга олинади ва талабалар кредит йўқотмасдан бир университетдан бошқасига ўтиши мумкин. Айнан ушбу тизим ўзбекистонлик талабаларининг илгор хорижий университетларда ўқишини давом этиришига ҳамда мураккаб бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга имконият яратди.

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, хар қандай халқро тажрибани кўр-қуруна, ўз қадриятларимизни ҳисобга олмасдан туриб, тўғридан-тўғри таъбиқ этиш, унинг хар бир элементини чуқур таҳлил қилмасдан, илмий асосларга таянган ҳолда амалга оширилмас экан, келажакда маълум бир салбий ҳолатларнинг юзага келишини ҳам унутмаслик керак.

Яъни ушбу тизим бизнинг дунёқарашимиз, шарт-шароит, баркамол инсонни вожага етказишга қаратилган қадриятларимизга тўла-тўқис мос келмади, дегани ҳам эмас. Шу сабабли, ўқув жараёнининг фаол элементлари ҳисобланмиши профессор-ўқитувчи ва талабанинг ҳам бу борадаги қарашларини ўзгариштиришимиз, маъруза тизим талабларини уларга сингдиришимиз, ўзига хос маданиятни шакллантиришимиз даркор.

Эеро, меҳнат бозори талабига мос кадрларни тайёрлаш ҳамда рақобатда ўз ўрнинини, маънеимизни йўқотишимиз мукдарор эканлигини ҳис қилишимиз лозим. Аммо олдимидида бундан ҳашироқ йўл ҳам, танлов ҳам йўқ. Нега деганда, харча ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ушбу йўлдан юриб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Аънанавий олий таълим тизимимиз дунёда тан олинмагандан кейин, биз илгор стандарт ва тизимларни олий таълим муассасаларига таъбиқ этишга мажбуرمىз. Шундай экан, янгликка интилиш, олий таълим тизимини тубдан қайта ислох қилиш бўйича бошланган ҳаракатларни давом этириш хар томонлама тўғри қарордир.

Сўзимиз якунида эса ўзбек уммотоз адабиётининг зарбадест вакили Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг илм ўз-ўзидан бунёд бўлмаслиги, киши фақат катта ҳавас ва кучли иштиёқ билангина унга эга бўлиши таъкидланган қўйидаги мисраларини ёдга олиш ўринли:

*Ург анга илм толиби илм керак,
Ирғанни илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме ўйў,
Мен борман илм толиби, илм керак.*

Шерзод МУСТАФАҚУЛОВ,
ТДИУ «Университет 3.0» халқро ўқув, илмий-инновацион тодиқотлар маркази директори, и.ф.д., доцент, Мансур СУЛТОНОВ,
ТДИУ Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими бошлиги, PhD

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 32 009 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган кўбемалар тақриз қилинмайди ва муклифга қайтарилмади.

Газетанинг кўбемалар берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаовбар.

Газета таърифта компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши